

## БИНО ВА ИНШООТЛАРНИ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИХАЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

*Хатамкулов Бекзод Искандарбек ўгли*  
Наманган муҳандислик қурилиш институти  
“Архитектура” кафедра ўқитувчиси  
[b.nurmuhammad90@gmail.com](mailto:b.nurmuhammad90@gmail.com)  
+998930505070

**Аннотация:** Билим олиб келаётган талабаларни мутахассислиги бўйича касбга йўналтириш ҳамisha давлатимиз, сиёсатимиз олдида турган устувор масалалардан бири бўлиб саналган. Бино ва иншоотларни турлари бўйича лойихалаш босқичларини талабаларимизга олий таълим муассасаларида ўраганишни ўрни ва олий таълим муассасалари битиргандан сўнг иш фаолиятларини олиб бориш учун катта аҳамиятга эга. Ушбу мақолада талабаларни лойихалашга ҳамда касбга тўғри йўналтиришдаги мавжуд муаммолар, амалиётдаги камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳақида қисқача фикр юритилган.

**Kalit so‘zlar:** Лойиха, бино ва иншоотлар, қурили, босқич, муаллифлик назорати, бино хажми.

Бино ва иншоотлар қурилишини лойихалашни шартли равишда 3 та босқичга бўлиш мумкин:

- лойихалашдан олдинги босқич;
- лойихалаш жараёни босқичи;
- лойихалашдан кейинги босқич.

Лойихалаш ташкилотлари иш жараёнларида **лойихалашдан олдинги босқич**ни асосий қисм деб юритилади, лойихалаш учун керак бўладиган тегишли маълумотларни йиғиш хисобланади. Маълумотларни тўла ва ишончлилиги лойиха ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқишга асос бўлади. Лойихалаш ташкилотларининг амалий иш фаолиятида пудратчи қурилиш ташкилотлари ва буюртмачилардан лойиха ечимларини аниқлаштириб бериш тўғрисидаги мувожадатлар кўплаб учраб туради.

Лойихалашдан олдинги ишларни қониқарсиз ҳолати илмий текшириш ва лойихалаш институтлари иш фаолиятида перспектив режаларни йўқлиги билан асосланади. Қурилиш жараёнлари бошладан олдин келажакда яъни режалаштирилаётган лойиха рўйхат бўйича тасдиқдан ўтказилади.

Иш бошладан олдин буюртмачи ташкилотларидан лойихани нимага асосланиб бажарилиши юзасидан маълумотларни лойихалаш институтлари

талаб этиш лозимдир. Бошланғич маълумотларни сифатини ошириш мақсадида буюртмачи ташкилотлари билан лойихалаш институтлари ўртасида лойихалаш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорлик шартномалари тузилиши лозим. Хозирги кунда лойихалаш ишларининг хажмини кўплиги сабабли лойиха институтлари томонидан турли корхоналар, муассасаларни қурилишини лойихалаш учун барча маълумотларни қамраб олган бошланғич маълумотлар тўпламини тузиш талаб қилинади. Бу ҳужжатларда қуриладиган объектларнинг энг рационал ўлчамлари, ишлаб чиқариш майдонлари, биноларнинг жойлашув схемалари, қурилиш майдонинг ўлчамлари ва иқтисодий асослашлар ўз аксини топади.

Лойихалаш топшириғи тасдиқлангандан сўнг лойихалаш босқичи бошланади. У лойиха смета ишлари комплекси (хисоб-китоб, график ва нусхалаш) бўйича техник ҳужжатлар тузишдан иборат бўлади.

Лойихалаш босқичи қайта ишлатиладиган, бетакрор лойихаларнинг конструктив ечимларидан максимал фойдаланилган ҳолда олиб борилади. Бу ўз навбатида лойихалаш муддатини қисқартиришга, қурилишни индустриал усуллардан фойдаланган ҳолда олиб боришга имконият яратади. Лойихалаш босқичи кўп меҳнат талаб қиладиган ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, унда қурилишни олиб бориш учун керак бўладиган техник ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

Лойихалашдан кейинги босқичда тасдиқланган техник лойиха ва ишчи чизмалар асосида лойиха ижрочилари қурилаётган бино ва иншоотларни назорат қилиб борадилар. Лойиха ижрочилари бу жараёни фаол иштирокчилари бўлишлари лозим, чунки улар қурилаётган бино ва иншоотларни қуриш жараёнида муаллифлик назорати олиб боришдан ташқари лойиха ҳужжатларига талаб қилинганда тегишли ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

Тахлилларни кўрсатишича **лойихалашдан кейинги босқич**да бино ва иншоотларни қуриш жараёнида лойиха ижрочилари олиб борадиган ишларни 3 та йўналишга бўлиш мумкин:


- қурилаётган бино ва иншоотларда муаллифлик назорати олиб бориш;
- бино ва иншоотларни фойдаланишга топшириш, уларни лойиха қувватига етказиш ва режалаштирилган техник-иқтисодий кўрсаткичларга эришиш жараёнида қатнашиш;
- иш фаолиятини бошлаган корхоналарга техник ёрдам бериш.

Қурилиши режалаштирилган объектларни лойихалаш 1 босқичли (1-чизма) ёки 2 босқичли (2-чизма) бўлиши мумкин. Лойихалаш жараёнинг босқиччилиги лойихаланаётган объектнинг мураккаблигига қараб лойиха ишларини олиб бориш тўғрисидаги шартнома аниқланади.

1-чизма. Бир босқичли лойихалаш



2-чизма. Икки босқичли лойихалаш



Икки босқичли лойихалаш йирик ва мураккаб объектларни объектларни қуришда, катта технологик қурилмалар ўрнатиладиган, мураккаб архитектура қурилиш ечимларидан фойдаланиладиган объектлар учун амалга оширилади.

Бунда биринчи босқичда техник лойиха ишлаб чиқилади, иккинчи босқичда ишчи чизмалар тайёрланади.

Қуриладиган объектларни бир босқичли лойихалашда техник ишчи лойиха яратилади.

Лойихалашдан олдинги хужжатлар бу техник иқтисодий асослаш бўлиб, унда худудларда, вилоятларда ишлаб чиқариш корхоналарини ривожланиши ва уларни жойлаштириш бўйича қўшимча схемалар ишлаб чиқиш, лойихалаш ва қуриш мўлжалланаётган корхоналар, уларни ишлаб чиқариш қувватлари, техник-иқтисодий кўрсаткичлари, ҳисоб-китоблар билан асосланади.

Қурилиш объектларини лойихалаш бўйича қарор йирик ва мураккаб корхона ва иншоотлар қуриш учун техник-иқтисодий асослашларни (ТИА), бошқа корхоналар, бино ва иншоотлар учун техник-иқтисодий ҳисоб - китоблар (ТИХК)ни, уларни қуришни мақсадга мувофиқлиги ва заруриятини эътиборга олиб қабул қилинади.

Техник-иқтисодий асослашлар импорт технологик қурилмалар ўрнатиладиган корхоналарни қуриш ва қайта қуриш, шунингдек маъмурий бинолар учун уларни смета қийматига боғлиқ бўлмаган ҳолда тузилади.

Техник иқтисодий асослаш қурилишни режалаштириш ва лойихалашдан олдинги хужжат ҳисобланиб, қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

*1. Техник иқтисодий асослашга асос бўладиган қабул қилинган қарорлар ва бошқа хужжатлар, кенгайтириладиган ёки қайта қуриладиган корхоналарнинг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, улар хўжалик фаолиятининг таҳлили, охириги уч йиллик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари.*

*2. Корхонани ихтисослашуви, кооперацияси, ишлаб чиқарадиган маҳсулотининг тури ва ҳажми*

*3. Корхонани хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар, энергия, иссиқлик, сув таъминоти ва меҳнат ресурслари билан таъминлаш*

*4. Корхонани таркиби, ишлаб чиқаришни ташкил этиши ва бошқариши, асосий технологик ечимлар, таклиф қилинаётган ишлаб чиқариш технологиясини ва технологик қурилмаларни танлашни асослаш*

*5. Қурилиш олиб бориладиган районни, майдонни, аҳоли пунктини танлаш ва уларнинг тавсифи*

*6. Асосий қурилиш ечимлари, қурилишни ташкил этиши, архитектура-планировка ва конструктив ечимлар ҳамда уларнинг асосий кўрсаткичлари*

*7. Атроф муҳит муҳофазаси, сув ости ва усти сувлари, ёгингарчилик миқдори, уларнинг тавсифи*

*8. Қурилишни ҳисобланган қиймати*

*9. Қурилишни ва ишлаб чиқаришни техник иқтисодий кўрсаткичлари, инвестицияларни иқтисодий самарадорлиги*

*10. Таклиф ва мулохазалар*

*11. Иловалар: қурилиш объекти қийматининг йиғма ҳисоби, ситуацион режа.*

Лойиха ишларини олиб бориш ва техник лойихалар ишлаб чиқариш учун лойихаланаётган объектга буюртмачи томонидан қўйилган талаблар кўрсатилган лойихалаш топшириғи асос бўлиб хизмат қилади.

Лойихалаш топшириғига қурилиш учун ажратиладиган ер майдони, ташқи муҳандислик иншоотларига уланишнинг техник шартлари, ер ости ва усти иншоотлари тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади. Агар қурилиш олиб бориладиган майдондаги мавжуд бино ва иншоотлар сақлаб қолинадиган бўлса, у ҳолда уларни техник характеристикаси ва ўлчамлари кўрсатилади. Қурилиш майдонидаги уй-жой фондини бузиш лозим бўлса, уларни инвентаризацияси, баҳолаш далолатномаси, маҳаллий бошқарув органларини бузилган уй-жой фондини компенсация қилиш тўғрисидаги қарорлари илова қилинади.

*Лойихалаш топшириғи белгиланган тартибда ва шаклда тузилади ва у қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади:*

- қуриладиган бино ва иншоотни номи;
- лойиха ишларини олиб бориш учун асоснома;
- қурилиш тури (янги қурилиш, қайта қуриш, реконструкция қилиш) уларни техник-иқтисодий асослашда келтирилади;
- қурилиш олиб бориладиган ҳудуд, аҳоли пункти (қуриладиган корхонани жойлашувини асословчи материаллар, аввалдан келтирилган ТИА ва қурилиш майдонини ажратиш тўғрисидаги далолатномада кўрсатилган бино ва иншоотлар);
- ишлаб чиқариладиган маҳсулот номенклатураси, корхона бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳажми (натурал ёки сўм ўлчовида), агар қурилиш навбатма-навбат олиб бориладиган бўлса унинг биринчи навбатда қуриладиган бино ва иншоотлари;
- қуриладиган корхонанинг иш режими;
- ишлаб чиқариш ва хўжалик кооперацияси тўғрисидаги ечимлар, шу жумладан ҳудуднинг ишлаб чиқариш бўғини таркибида корхонани жойлашуви;
- атроф-муҳит ҳимояси бўйича талаблар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини йўқ қилиш тадбирлари;
- ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари;
- қуриладиган корхона технологик жараёнини автоматлаштирилган тизим орқали бошқаришни ишлаб чиқиш зарурияти;
- уй-жой ва маданий маиший биноларни қурилишини лойихалаш учун маълумотлар;

-жалб қилинадиган инвестициялар хажми, қуриладиган корхона ёки бино ва иншоотларни техник-иқтисодий кўрсаткичлари;

-қурилишни тугатиш муддати (қурилишмуддати меъёрларига асосан), ишлаб чиқариш қувватлари ва эксплуатацияга топшириладиган комплексларни қуриш муддати;

-ЭНГ мақбул лойиха вариантлари ёки уни қисмларини тайёрлаш бўйича талаблар:

-лойихалаш босқичлари;

-бош лойихаловчи ташкилот номи;

-қурилиш ташкилотининг номи;

-худудий лойиха ташкилоти билан келишилганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Лойихалаш топшириғи билан бирга буюртмачи лойиха ишларини олиб боровчи ташкилотга қурилиш майдони ажратилганлиги тўғрисидаги далолатномани, корхона ва иншоотларни жойлашуви тўғрисидаги келишилган ҳужжатни, қурилиш паспортини, лойиха қилинадиган объектни таъминот манбаалари ва муҳандислик коммуникациялари билан уланиш манбаларини топширади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки талабаларни бино ва иншоотларни турлари бўйича лойихалашни тартиби ва босқичларини ўргатиш ва битиргандан сўнг касбга йўналтириш бу энг муҳим вазифалардан бири эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Инсон тўғри касб танлаш орқали ўз оиласига, жамиятга жуда катта наф келтириши исбот талаб қилмайдиган қонуниятдир. Талабаларни ва лойихалаш ташкилотлари ходимларини лойихалашни мукамал, камчиликларсиз ва норма қоидаларга асосланган ҳолда ташкил қилишни босқичма-босқичлигини тушунтириб ўтилган.

#### Адабиётлар:

1. Арифжанов, А. М., Фатхуллаев, А. М., Самиев, Л. Н., & Хотамкулов, Б. (2015). Русловые процессы в оросительных каналах. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (5-2), 207-209.
2. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. (2022). Improving the Design of Youth Innovative-Creative and Development Scientific Centers. *Eurasian Scientific Herald*, 7, 72-76.
3. Mahmudov, O. Z. O., & Kasimov, I. M. (2021). THE STUDY OF THE GEOECOLOGICAL PROBLEMS OF A BIG CITY. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 271-275.
4. Dedakhanov, B., & Kasimov, I. (2022). ANCIENT ARCHITECTURE OF THE FERGHANA VALLEY FEATURES OF FORMATION AND DEVELOPMENT (ON THE EXAMPLE OF CIVIL ARCHITECTURE AND URBAN PLANNING). *Science and innovation*, 1(C6), 278-284.



5. Раззаков, С. Ж., Холбоев, З. Х., & Косимов, И. М. (2020). Определение динамических характеристик модели зданий, возведенных из малопрочных материалов.
6. Арифжанов, А. М., Фатхуллаев, А. М., Самиев, Л. Н., & Косимов, И. (2015). Установившееся неравномерное движение взвесенесущего потока в верхнем бьефе гидроузла. *Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук*, (5-2), 204-207.
7. Maribovich, Q. I. (2022). Scientific Proposals for Architectural Improvement of Engineering Centers. *Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science*, 1(6), 59-63.
8. Хасанов, А. Н., Аббасова, Р. К., & Маърибович, Қ. И. (2022). КАСБ ҲУНАР МАЖМУАЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА). *Journal of new century innovations*, 19(1), 198-204.
9. Rahimova, G., Dedaxanov, B., Adilov, Z., & Qosimov, I. (2022). USE OF INNOVATIVE METHODS IN DEVELOPING PROFESSIONAL SKILLS OF STUDENTS. *Journal of new century innovations*, 19(2), 161-168.
10. Дедеханов, Б., Қосимов, И. М., Адиллов, З. Р., & Раҳимова, Г. Э. (2022). ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚАДИМГИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖИДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ РОЛИ. *Journal of new century innovations*, 19(2), 176-185.
11. Адиллов, З. Р., Қосимов, И. М., Дедеханов, Б., & Раҳимова, Г. Э. (2022). НАМАНҒАН ВИЛОЯТИДАГИ ХЎЖА АМИН МАҚБАРАСИ. *Journal of new century innovations*, 19(2), 152-160.
12. Қосимов, И. М., Дедеханов, Б., Адиллов, З. Р., & Раҳимова, Г. Э. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗЛАРИНИНГ ИННОВАТЦИОН АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Journal of new century innovations*, 19(2), 169-175.
13. Ozodovich, N. A., & Maribovich, Q. I. IMPROVING THE DESIGN OF YOUTH INNOVATIVE-CREATIVE AND DEVELOPMENT SCIENTIFIC CENTERS.
14. Zokirjon o'g'li, M. O., & Kasimov, I. M. (2021). MODELING OF BUILDINGS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 772-781.
15. Zokirjon o'g'li, M. O., & Kasimov, I. M. (2021). MODELING OF BUILDINGS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 772-781.
16. Raimjonovna, N. N. (2022). URBAN AND URBAN PLANNING AS AN OBJECT OF PHILOSOPHICAL AND AESTHETIC RESEARCH. *INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2022*, 1(9), 65-69.
17. Ibragimjon o'g'li, A. K. (2022). URBANIZATION AS A MAIN OBJECT OF PHILOSOPHICAL AND AESTHETIC RESEARCH. *INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2022*, 1(9), 70-75.
18. Касимов, О. С. (2021). СОВРЕМЕННЫЙ ИНТЕРЬЕР. *Интернаука*, 20(196 часть 1), 88.

19. Azizbek, H. (2022). The Main Artistic Principles of The Project Proposal of The Ecological Mosque. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES*, 3(6), 45-51.
20. Акрамов, К. (2022). Afrosiab, Panjiket monuments interior solutions. *Общество и инновации*, 3(6/S), 62-66.
21. Ravshanovich, A. Z. (2021). Issues Of Improving Tourism Opportunities In Namangan Region. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 26(2), 40-44.
22. Adilov, Z. (2021, June). ISSUES OF IMPROVING TOURIST OPPORTUNITIES IN NAMANGAN REGION. In *Конференции*.
23. Адиллов, З. Р., & Болгабоев, Д. (2021). РЕСТАВРАЦИЯ И СОХРАНЕНИЕ СУЩЕСТВУЮЩИХ ИСТОРИЧЕСКО-АРХИТЕКТУРНЫХ ПАМЯТНИКОВ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ-ОСНОВА РАЗВИТИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО ТУРИЗМА. *Вестник Науки и Творчества*, (11 (71)), 38-44.
24. Ravshanovich, A. Z. (2021). Namangan Historical Architectural Monuments. *Design Engineering*, 6940-6945.
25. Адиллов, З. Р., & Рахмонбердиев, С. (2021). НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ТУРИЗМ ИМКОНИАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. *Вестник Науки и Творчества*, (11 (71)), 34-37.
26. Адиллов, З. Р. (2021). ЗАЩИТА КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ СОКРОВИЩА НАШЕГО НАРОДА-ОСНОВА НАШИХ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ. In *НАУКА И ПРОСВЕЩЕНИЕ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ* (pp. 249-252).
27. Адиллов, З. Р. (2022). ЁШЛАРГА МАДАНИЙ МЕРОС ҲАЗИНАСИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ. *ИЖТИМОЙ ФАНЛАРДА ИННОВАЦИЯ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ*, 2(4), 124-130.
28. Adilov, Z. R. (2022). Peculiarities of Construction Drawings. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(4), 227-230.
29. Адиллов, З. Р. (2022). НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МАДАНИЙ МЕРОС ҲАЗИНАСИНИ АСРАШ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИДИР. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIIY JURNALI*, 69-73.
30. Адиллов, З. Р. (2022). URBAN PLANNING OF THE CITIES OF NAMANGAN REGION. *Science and Innovation*, 1(6), 259-264.
31. Adilov, Z. (2021, August). ISSUES OF IMPROVING TOURIST OPPORTUNITIES IN NAMANGAN REGION: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1224>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.05).
32. Adilov, Z. (2022). НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ШАҲАРСОЗЛИГИ. *Science and innovation*, 1(C6), 259-264.
33. Sharifjanovna, Q. M. (2022). METHODS OF USING FINE ARTS IN THE PROCESS OF DEVELOPING THE PROFESSIONAL COMPETENCIES OF FUTURE ARCHITECTS. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN*



COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793  
Impact Factor: 6.876, 16(5), 49-51.

34. Kahharov, A. A., & qizi Rahimova, G. E. (2021). Intensive Methods of Developing Students' Graphic Competencies in the Training of Competitive Personnel. *European Journal of Life Safety and Stability* (2660-9630), 7, 38-44.
35. кизи Рахимова, Г. Э., Холмирзаев, А., & Турсунбоева, М. (2022, May). РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ТЕКУЩИХ ПРОГРАММ ПРОДВИЖЕНИЯ (PIRLS, PISA, TIMSS, TALIS) РЕФОРМЫ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ. In *International Conference on Research Identity, Value and Ethics* (pp. 242-244).
36. Ахмедов, Р. М., Дадаханов, Б., & Ахмедов, Ф. Р. (2016). Методы прогнозирования объемов финансирования ремонта и строительства автомобильных дорог. *Инновационная наука*, (6-1), 38-40.
37. Дадаханов, Б. (2017). Особенности конструктивно-технологических решений гражданских конструкций энергоэффективных зданий. *Символ науки*, (12), 22-25.
38. Дадаханов, Б. (2017). Особенности физико-механических свойств теплоизоляционных материалов для крыш. *Символ науки*, 2(3), 53-55.
39. Дадаханов, Б., & Ахмедов, Ф. Р. Доц. каф. «Производство строител. материалов, изделий и конструкций» Наманганский инженерно-педагогический институт. *Свидетельство о регистрации СМИ–ПИ № ФС77-61597*, 38.
40. Buzrukov, Z., Yakubjanov, I., & Umataliev, M. (2021). Features of the joint work of structures and pile foundations on loess foundations. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 264, p. 02048). EDP Sciences.
41. Ozodovich, N. A., Maribovich, Q. I., & Zarina, B. (2023). KASBGA YO'NALTIRISH MARKAZINI INNOVATSION LOYIHASI TAKLIFI "KIDZANIA JOB WORLD IN TASHKENT". *PEDAGOG*, 1(5), 120-129.
42. Хамидов, О. У. У., Якубджайов, И. И., & Хайдаров, А. А. (2018). УЧРЕЖДЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО ПИТАНИЯ: ФУНКЦИОНАЛЬНАЯ СТРУКТУРА И РАСПОЛОЖЕНИЕ. *Science Time*, (6 (54)), 11-14.
43. Якубджанов И. ҚАДИМИЙ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ ОРҚАЛИ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 19. – №. 6. – С. 328-336.
44. Khasanov, A. (2020). Organizing Eco Tourism Along With Uzbek National Automagistrale Way. *Solid State Technology*, 63(6), 12674-12678.
45. Ozodovich, X. A., & Azim o'g'li, N. A. (2021). Formation of the "Obod Mahalla" System in the Villages of Uzbekistan and Serving the Population. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI*, 1(5), 325-329.
46. Khasanov, A. (2016). About several infrastructure constructions of the Great Silk Road. *Int'l J Innov Sci Eng Technol*, 3(6), 295-299.
47. ТАСИ, А. К. About Several Infrastructure Constructions Of The Great Silk Road.
48. Inogamov, B. I., & Khasanov, A. O. (2021). Taking Into Account Socio-Functional Factors in the Design of Housing. *Design Engineering*, 2587-2589.

49. Adilovna, Q. S., & Ozodovich, X. A. (2021). REQUIREMENTS FOR THE PREPARATION OF INTERIORS IN SECONDARY SCHOOLS. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(11), 74-77.
50. Ozadovich, K. A., & Ismailovich, I. B. (2021). Issues of Organization of Service Sets on the Uzbek National Highway A-380. *Design Engineering*, 2582-2586.
51. Ozodovich, X. A., Iqramovich, A. R., & Shaxnazarovich, R. L. (2021). Location of auxiliary rooms inside the living rooms in Bukhara traditional residential areas. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning*, 2(11), 1-5.
52. Khasanov, A. O., & Allayarov, K. O. (2021). Residential Yurts Of The Ancient Nomads Of Central Asia And The Use Of Yurts In Tourism. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(01), 58-64.
53. Matjanov, O. K., Xasanov, A. A., & Boltabayev, P. L. Y. (2022, August). ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSION MARKAZLARNI LOYIHALASH VA QURISHNING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATLI TALABLARI VA QONUNIYATLARINI SHAKLLANTIRISH. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 7, pp. 36-39).
54. Matjanov, O. K., Xasanov, A. A., & Boltabayev, P. L. Y. (2022). ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSION MARKAZLAR ARXITEKTURASINING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISH AN'ANALARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 214-217.
55. Xasanov, A. A., Ro'zmetov, Q. S., Dushanov, S. S., & Dushanov, R. D. O. G. L. (2022). YUSUF HAMADONIY ZIYORATGOHIDA ZIYORAT VA DAVOLANUVCHILAR UCHUN KICHIK EKOTURISTIK MEHMONXONALARNING ORNI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 674-679.
56. Khasanov, A. CONTEMPORARY DESTINATIONS SERVICE AND CREATING A SYSTEM OF HISTORICAL CARAVAN ROUTES.